ХИРМОНГА БАРАКА КИРИТИБ

АНДИЖОН. Вилоят пахтакорларининг улкан ғалабасига избосканликлар ўзларининг 30 минг тонналик ҳосили билан муносиб ҳисса қўшдилар. Вилоятда биринчи бўлиб режани уддалаган бу туманда ҳосилдорлик гектар бошига 32 центнерданга тўғри келди. "Андижон усули" — чигитни плёнка остида етиштириш ўз самарасини берди. 1477 гектар майдонда ҳосилдорлик юқори бўлди. Туман деҳқонларининг ниятн йиллик режани 120 фоизга етказиш.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

МЕҲМОНЛАР КЎНГЛИНИ ОВЛАБ

НАМАНГАН. Чустга ташриф буюрганлар муҳандис мироб Мавлоно Лутфуллоҳ, шоир Муҳаммадшариф Сўфизода, домла Чустий каби зотлар ҳурматини бажо келтиришга ошиқадилар. Меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент — Наманган йўлида замонавий кўринишдаги бекат биноси фойдаланишга топширилди. Бундан буён Чустга йўл олганлар ана шу бекатни мўлжалга оладиган бўлишди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ТАЛИМАРЖОН АҲЛИ МАМНУН

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон тумани шаҳар-қишлоқлари аҳолисига қулайликлар яратишга эҳтибор қилинмоқда. Хусусан, Талимаржонда 660 нафар номозхонга мўлжалланган масжид биноси қуриб битказилди. Аҳмад Яссавий номли мактаб эса тўлиқ таъмирланди. Бундай хайрли ишга ҳомийлик қилган Қарши каналидан фойдаланиш бош бошқармаси ва шаҳар ҳокимлиги томонидан 2 миллион 400 минг сўм маблағ сарфланди. "Маржон" кичик корхонасида эса пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шерхон ҚОРАЕВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

МАҲАЛЛАДОШЛАР ДОНА СУРГАНДА

ФАРҒОНА. Қўқондаги Исфарагузар маҳалласидаўзига хос шахмат байрами бўлди. Буерда маҳалладошлар ўзаро дона сурдилар. Мусобақага "Роҳат" фирмаси ҳомийлик қилди. Шоир Эркин Воҳидов, шахматчилар отахони Мамажон Муҳиддинов, мамлакат чемпиони, шахмат олимпиадаси қатнашчиси Шуҳрат Сафинлар шахмат санъати, тарихи ва унинг юртимизда тутган ўрни, мавқеи хусусида сўзладилар. Голибларга эсдалик совғалари инъом этилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ШАНБАЛИК ЭВАЗИГА ОБУНА

НУКУС. Қорақалпоғистон шаҳар ва қишлоқларида шанбалик ташкил этилди. Ишлаб чиқариш корхоналарию дала миришкорлари иштирок этган ўзига хос ҳашардан тушган маблағ 1997 йил газета-журналларига обуна қилиш учун ўтказилди. Хусусан, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган кишилар "Ўзбекистон овози", "Халқ сўзи", "Правда Востока", "Еркин Қорақалпоғистон" сингари нашрларга обуна қилинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ВОБКЕНТДА ЗАВОД ҚУРИЛДИ

БУХОРО. Вобкентлик пахтакорларнинг орзулари ушалди. Туман жамоа хўжаликларида етиштирилган 35 минг тонналик пахта ҳосилини қабул қиладиган завод ишга туширилди. Корхонани 46-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари бунёд этдилар. Энди етиштирилган пахтани Ғиждувон туманидаги заводга ташиб юришга ҳожат қолмайди. Муҳими, 250 нафар киши иш билан таъминланди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 7 ноябрь, пайшанба № 143 (22.064).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

СУРАТЛАРДА: сессия пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

6 ноябрь куни халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессия ишида шу вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик, қўмита, уюшма, концерн, корпорация, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б. Рапиғалиев пенсияга чиқиши муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Президенти Ислом Каримов тавсиясига биноан «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Тўлқин Жабборов Наманган вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз нутқида вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, саноатни қишлоққа олиб бориш, янги иш ўринлари очиш ҳамда аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш соҳаларида муайян ишлар қилинганини қайд этди. Лекин кейинги 2-3 йил мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, хусусан, қишлоқ хўжалигида саноат ишлаб чиқаришида оқсоқликка йўл қўйилаётганига эътиборни қаратди. Давлатимиз раҳбари таъкидладики, айниқса қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, пул эмиссиясини камайтириш, маориф, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, савдо, маданий-маиший хизмат шаҳобчалари фаолиятини яхшилаш борасида кўп иш қилиниши лозим. Бунинг учун эса мавжуд вазиятни холисона баҳолаб, тараққиётимиз йўлидаги тўсиқ ва муаммоларни аниқлаб уларга зудлик билан барҳам бериш керак. Вилоятда аниқ ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши зарур. Уни амалга ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш учун курашиш ҳар бир раҳбар ва вилоят фаолларининг муқаддас бурчи бўлиши даркор.

Сессия ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Гуломов, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т.О. ЖАББОРОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Тўлқин Отахонович Жабборов Наманган вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 6 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. РАПИҒАЛИЕВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бургутали Рапиғалиев пенсияга чиқиши муносабати билан Наманган вилояти ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 6 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН — ЮНЕСКО:

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛИ

БМТнинг Маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКО шу кунларда ўзининг ярим асрлик тўйини нишонламоқда. ЮНЕСКО «Ғоялар лабораторияси», уларни ҳаракатга келтирувчи куч, жаҳон ҳамжамияти ва ҳар бир давлат фойдаланадиган илгор тажрибани кенг ёйдиган ташкилот сифатида ноёб нуфузга эга.

Дарҳақиқат, 1945 йилнинг 16 ноябрида Лондонда мазкур ташкилотни тузиш тўғрисидаги низом қабул қилинди ва 1946 йил 4 ноябрдан у Парижда ўз фаолиятини бошлади. Ташкилотнинг асосий мақсади маориф, фан ва маданият соҳасида мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашишдир.

ЮНЕСКО турли мамлакатларда илмий ва маданий тадбирлар ўтказиб туради ёхуд бу каби ишларга ёрдамлашади. Мамлакатимиз истиқлолга эришгунга қадар ҳам, ЮНЕСКО Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарар эди. Бу обрўли халқаро ташкилот ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб, буюк қомусий алломалар Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино таваллудларининг 1000 йиллигини, азим шаҳар Тошкентнинг 2000 йиллигини кенг миқёсда нишонлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган эди. 1969 йилда эса Самарқандда Темурийлар даврида ўрта Осиё санъатини ўрганишга бағишланган симпозиум ўтказилди.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар мамлакатимиз мустақиллиққа эришганидан сўнг янги босқичга кўтарилди. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг хизматлари ғоят катта.

1993 йил 29 октябрда Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Ўша пайтдаёқ ЮНЕСКО ўтказаётган тадбирлар дастурига буюк мунаҳжим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш таклифи киритилди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида буюк аллома юбилейининг юксак даражада нишонланиши Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг янги асосдаги ривожини бошлаб берди.

Бу тадбир бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган байрамнинг бошланиши, дебочаси эди. ЮНЕСКО билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали бўлишида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси тузилиши муҳим қадам бўлди.

1995 йилнинг август ойида ЮНЕСКО Бош директори Ф. Майорнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан музокаралари ва Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши, Самарқандда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг очилиши ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтарди ва ҳамкорлик соҳаларини кенгайтирди.

ЮНЕСКОнинг ёш мустақил давлатларга таълим ва фанни ривожлантириш, миллий сиёсатни ишлаб чиқиш, уларнинг ўзига хос маданиятини қайта тиклашга, оммавий ахборот воситалари соҳасида ўзига хос тизимларни барпо этиш тамойилларини белгилашга кўмаклашишга қаратилган фаолияти жаҳонда кенг эътироф этилмоқда.

Унинг 1995 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтган 28-Бош Ассамблеясида Амир Темур таваллуд топган кунинг 660 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Бу бобокалонимизнинг жаҳон фани ва маданиятига, Шарқ цивилизацияси ва тараққиётига қўшган улкан ҳиссасининг бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниши демакдир.

Шу муносабат билан, Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» мавзуида нуфузли халқаро анжуман бўлиб ўтди. Шунингдек, ЮНЕСКО Бухоро ҳамда Хева шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорлар қабул қилди.

Президентимиз Фармонига биноан, ЮНЕСКО билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдаги беқиёс хизматлари учун, ушбу халқаро ташкилот бош директори Федерико Майор ватанимизнинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг жаҳон илм-фанини тараққий эттириш ҳамда халқларни инсониятнинг бой маънавий мероси билан таништиришда ўрни бениҳоя катта. Президентимиз ЮНЕСКО ижроия кенгашининг Парижда бўлиб ўтган сессиясида таъкидлаганидек, «ЮНЕСКОнинг ноёблигини биз энг аввало сайёрамиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабатни сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакрор миллий маданият ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун гўзал имкониятлар яратилаётганида кўрамиз».

Шу кунларда ЮНЕСКО ташкил этилганининг 50 йиллиги жаҳонда кенг нишонланмоқда. Мамлакатимиз халқи ҳам бу санани қувонч билан қаршиламоқда. Юбилейга бағишлаб юртимизнинг турли гўшаларида байрам тадбирлари ўтказилаётир. Ишонамизки, ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам ривожланишда давом этади.

Аброр ҚИЛИЧЕВ,
(ЎзА).

ФЕРМЕР ШИФОХОНА ҚУРМОҚЧИ

Янги замон одами

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки дамларда Жўра Бобомуродов ҳайдовчилик қиларди. Ўйлаб қараса, қурби кўп нарсага етаркан: фермер бўлишга аҳд қилди. Дастлаб давлатдан имтиёзли қарз олди. Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан зотдор саккиз бош сигир олиб келди. Ўшанда кўпчилик унга таажжуб билан қарашган, узоққа бормаса керагов, дейишган эди.

Улар хато қилишган экан. Жўра фермер ишбилармонлиги, тадбиркорлигини биргина Когон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида эмас, балки Бухоро вилоятида ҳам намоён қилди. Ўтган саккиз йилда саккиз бош сигир эллик бошга етди. Қўй-эчкили, ерли, тракторли-техникали бўлди. Шукр қиляпти энди. Чунки аёли, 7 фарзанди, келини ишсиз эмас. Назиржон яккқ деҳқон хўжалиги ҳисобчиси, Назар, Жамшид механизатор, Бобур чўпон. Хуллас, ишлар тўғри тақсимлаб олинган, хазина ягона. Шу боис чўнтак тўла пул. Қўли узатган ерига етади.

— Бир ишга қўл урмоқчи бўлганда, — дейди фермер, — асло чўчимаслик керак экан. Баъзан таваккалчилик ҳам қўл келаркан. Оёққа туриб олганимизга анча бўлди. Шу йилнинг ўтган ойларида 5 тонна гўшт, 6 тонна сут етиштирдик, 300 бошга мўлжалланган молхона қурдик.

Халқимизда бир қўлинг мудом очиқ бўлсин, деган нақл бор. Жўра ака шунга мудом амал қилиб келяпти. Чўкати қишлоғидаги икки оилани оталиққа олган, байрамларда элга ош беради. Кам таъминланган оилаларнинг болаларига мадад бўлсин деб яқинда 5000 сўмни жамғармага ўтқазди. Когон темир-бетон буюмлари заводи ва бошқа корхоналар билан маҳсулот етказиб бериш борасида тузган шартномасига қатъий амал қилиб келяпти.

Жорий йилда чорва билан қаноатлангани йўқ. 5 гектар ерга чигит экканди, ҳосил чўғли бўлди. 14 тонна! Бу ҳам оилага катта даромад.

Биз хўжаликнинг ўнга яқин қишлоқларини айланганимизда кўзимиз тузукроқ шифохонага тушмади. Бу Жўра фермерни ҳам ташвишга солибди. Шу боисми у эски, кўримсиз қишлоқ саломатлик маскани биносини янгилашга, гўшт дўкони, қўлбосди (колбаса) цехи қуришга аҳд қилди. Ишлар эса бошланиб кетди. Қанийди! Туманда ҳамма шу фермердек бўлса!

— Севимли газетамиз «Ўзбекистон овози»га оиламиз бўйича обуна бўлибгина қолмай, балки қишлоқдаги 5 кишига ҳам бу ишда ёрдам қўлимизни чўзамиз, —дейди фермер. — Ахир, газетасиз замон билан ҳамнафас бўлармиди, инсон?

Ҳа, элни ўйлайдиган бундай одамлар вилоятда кун сайин кўпаяётгани қувончли. Бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштиришга хизмат қиладиган шу инсонлар-да.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИЖОРАТ ҒИРРОМЛИК ЭМАС

Лўқма

Тижоратда ҳам мезон бор. У ҳалолликни, амалдаги қонун-қоидаларга риоя этишни талаб этади. Лекин, виждонига қурт тушган айрим кимсалар уларни тан олишни истамайдилар, пул-давлат деб орни, номусни унутадилар.

Навбатдаги рейдга чиққан солиқ, молия, банк, милиция ходимлари 3600 сўмлик товар билан савдо қилаётган, Шаҳрисабз шаҳридаги Шарқ кўчаси 52-уйда истиқомат қилувчи Р. Жабборовадан баённома талаб этишганда кўрсата олмади. Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Ж. Норов эса 34 турдаги 38050 сўмлик товарларни ҳеч қандай ҳужжатсиз сотаётганда қўлга тушди.

Тижоратни ғирромликка айлантираётган бундай ноинсоф кимсалар оз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан шаҳар ва туманларда ўтказилган текширишларда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 2638 фуқаронинг турли қонунбузарликларга йўл қўйганликлари аниқланди. Улардан 1752,2 минг сўм жарима ундирилди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

ЯНА ДАРАХТ КЕСИБ, УЙ ИСИТАМИЗМИ?

Ҳавонинг авзойи бузилгани сайин ташвишга тушяпмиз. Бу, Балиқчи туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчиларнинг дарди, деса ҳам бўлаверади. Албатта, бўладиган савдонинг ростига кўчиш керак. Тўғри, қишлоғимизга газ келтиришда хайрли ишлар қилинганини эътироф этамиз. Хусусан, тўрт ярим километрга 2 миллион 179 минг 403 сўмлик газ қувурлари ётқизилди. Ҳаммамиз уйларни газлаштирдик. Мол-ҳолимизни сотиб бўлса ҳам хоналаримизни иссиқ сув билан иситиш йўлига ўтдик. Хуллас, 1992—93 йилларда газчиларга савоб ёғилди, деяверинг. Афсуски, севинчимиз узоққа бормади. 1994—95 йилларда газнинг босими тушиб, плиталар ёнмай қолди. Айниқса, ўтган йили деярли газ тўхтатилди. Биз «Балиқчитумангаз», туман ҳокимлиги ва хўжалигимиз раҳбарларига мурожаат этдик. Ҳокимлик томонидан бир ой мобайнида муаммо бартараф этилади, деган ваъда бўлди. Лекин шу йил қишда бўладиганимиз бўлди. Газга ишониб, ёқилғи тайёрламаган эдик. Дарахтларни кесиб, бир амаллаб кун ўтказишга тўғри келди. Мана ёз ҳам ўтиб, кечки куз, қолаверса, аёзли кунларнинг нафаси келмоқда. Хўш, нима қилайлик. Яна кўмир-ўтинга югуриш керакми? Наҳотки, шунча муддат ичида юртимизда арзон ёқилғи деб аталувчи тайёр газни уланган қувурларга юбориш шунчалик қийин бўлса.

«Ғалаба» жамоа хўжалиги фахрийлари номидан Маматбой ҚОБУЛОВ, Абдуваҳоб ЙЎЛДОШЕВ, жами 11 та имзо.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

ГАЗЕТАМИЗ НАШР ИНДЕКСИ:

ЯККА ТАРТИБДА ОБУНА БЎЛУВЧИЛАР УЧУН— 64583. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН — 64588.

НАЗАРГА ТУШГАН ЯНГИЛИК

Пахтани эрта йиғиштириб олмоқчи бўлсангиз андижонликлар тажрибасини жорий этинг

Чигитни плёнка остига экишнинг афзалликлари эндиликда ҳеч кимга шубҳа қолдирмади, дейиш мумкин. Бунда андижонлик деҳқонларнинг бутун мавсум мобайнида ибрат бўлаётганлари энг ишонарли далилдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон вилоятига сафар қилганларида бу тажрибага юқори баҳо бердилар, кейинчалик Наманган ва Сурхондарё вилоятлари пахтакорлари билан суҳбатлашганларида бу усулга қандай муносабатда бўлишаётгани билан қизиқдилар. Яқинда халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида анжидонликлар тажрибаси яна бир бор таъкидланди.

Хўш, бу янгилик мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида қандай қабул қилинди? Мухбирларимиз ана шу савол билан мутахассислар, пахтакорларга мурожаат қилишди.

ФАРҒОНА

Ибратли тажриба туғилган жойдан унча узоқ бўлмаган мазкур вилоятда янгиликка алоҳида қизиқиш билан қарашмоқда. Газетхонларимизнинг ёдида бўлса, шу йил баҳорда Бағдод туманидаги Хазиний номли жамоа хўжалигида чигит плёнка остига экилгани ҳақида хабар қилган эдик. Анвар-жон Юнусов бошлиқ бригада 15 гектар ерда тажриба ўтказди. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди.

Маълум бўлишича, плёнка остига экилган майдонларда чигит барвақт ва бир текис униб чиққан. Қатқалоқнинг йўқлиги, яганалаш, чопиқ каби ишловларга эҳтиёж қолмагани ҳам майли, бошқа майдонларга нисбатан бу пайкаллар икки марта кам суғорилган. Ҳар гектар майдонда 160 мингтадан кўчат ўстирилган. Ҳолбуки, одатдаги усулда экиладиган майдонларда гектарига 80-90 минг туп кўчат бўлади, холос. Пахта августнинг бошларидаёқ қийғос очилганини айтинг. Натижада шу йилнинг 18 августидаёқ терим бошлаб юборилган. Биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан ўртача 26 центнердан юқори сифатли пахта йиғиштириб олинган. Ҳозирга келиб эса плёнка остида пахта етиштирилган майдонларнинг ҳар гектаридан олинган ҳосил 51 центнердан ошиб кетди.

15 гектар майдонга 375 килограмм атрофида чигит экилди. Ҳолбуки, бригаданинг қолган 33 гектар ерига 4145 килограмм уруғлик қадалган экан. Қаранг, салкам олти баравар кам чигит сарфланган! Хуллас, плёнка остидаги ниҳол учун харажатлар ва олинган даромад ҳисоб-китоб қилинганда фойда 188 минг 620 сумга етди. Рентабеллик даражаси эса оддий усулда экилган майдонларга нисбатан 22,6 фоизга кўтарилган.

— Албатта, кўрсаткичларимиз бундан ҳам баланд бўлиши мумкин эди, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси. А. Абдуллаев. — Фақат плёнкаларни четдан олиб келиш учун уларга тўланган йўлкира харажатларни ошириб юборяпти. Агар шундай плёнкалар вилоятда, туманда ишлаб чиқарилса, плёнкани исроф қилишга барҳам берсак, биз мўмай даромад тагида қолишимиз аниқ.

Фарғонадаги плёнка остига чигит экишнинг дастлабки тажрибалари муваффақиятли чиқди. Яқин йилларда бутун вилоятда плёнка остида пахта етиштириш технологияси жорий этилади, деб умид қиламиз.

СИРДАРЁ

Қўриқ вилоятда бу янгиликка қизиқиш катта. Мирзаобод туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Файзулла Қурбонов бизга қуйидагиларни гапириб берди: Хўжалигимизда плёнка остида пахта етиштиришга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Хўжалигимиз раҳбари Ҳазратқул Бўронов андижонликлар бошлаган хайрли ишларни диққат билан кузатиб бормоқда ва у ердаги янгиликлардан бизларни хабардор қилиб туради. Таҳлил қилиб кўрсак, янги усул кўп томонлама бизга қулай: ҳосил бир ой барвақт етилади, бегона ўт камаяди. Камида икки чопиқ харажатларидан халос қилади. Ҳосилдорлик юқори бўлади. Пахтанинг чигити тўқ, толаси пишиқ бўлади. Яқинда юртбошимиз вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларида эртаги ҳосил етиштиришнинг аҳамиятини жуда таъсирли қилиб тушунтириб бердилар. Дарҳақиқат, бизга юқори сифатли маҳсулот керакми ёки кеч пишган, таннархи қиммат ҳосилми? Ахир фақат тонна кетидан қувиб ишлаш шўро даврида қолиб кетди-ку?!

Албатта, ҳар қандай янгилик ўз-ўзидан йўл топиб кетавермайди. Уни жорий қилиш йўлида қийинчиликлар ҳам учрайди. Бу мураккаблик асосан техника, плёнкани сотиб олиш ва янгиликларни одамлар тажрибасига синдира олишдан иборат. Аммо бу қийинчиликларни енгиб ўтса бўлади. Янгиликдан кўриладиган фойда харажатларни қоплаб кетса бўлади, деган умидламиз.

Жамоамиз раиси келгуси йили камида 100 гектар ерда тажриба ўтказмоқчи. Биз ҳам, албатта, бу янгиликдан четда қолмоқчи эмасмиз. Ҳосилни ёғингарчиликка қолдирмасдан йиғиштириб олиш — деҳқоннинг азалий орзуси. Агар плёнка остига экилган чигитдан ундириладиган ғўза одатдагидан бир ой барвақт ҳосил берса, бунинг учун ҳар қанча меҳнат ва харажатни аямаслик керак. Булардан ташқари, кўкламда дўл ва кучли ёмғир туфайли қайта экишлар жуда кўп учрайди. Андижон тажрибаси бу офатга ҳам қалқон бўлишини ўйласак, янгиликнинг баҳоси янада салмоқли бўлиши аён.

НАМАНГАН

Наманган вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Маҳмуджон Марзабоев қуйидагиларни гапириб берди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов вилоятимизда бўлганларида халқ хўжалигининг қатор тармоқларида, жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларимизга адолатли баҳо бердилар. Айниқса, пахтачиликда Андижон усулини кенг қўллаш зарурлигини уқтирдилар.

Қўшниларимиз яратган тажриба оммалашаётганидан биз ҳам хурсандмиз. Чигитни плёнка остига экиш орқали иқлим шароити бир хил бўлган, даласи далаларимизга туташ андижонликлар пахтадан мўл ҳосил етиштираётганликлари бу усулнинг қулай ва самарали эканлигидан далолат бермоқда. Очиғи, улар тажрибасини йил давомида кузатиб турдик, ўргандик. Ҳозир келгуси деҳқончилик йилида бу усулни кенг қўллаш учун ташкилий-тайёргарлик ишларини астойдил олиб бормоқдамиз.

1997 йилда мўлжалимиз 20 минг гектар майдонда шу усул билан пахта етиштириш. Бунинг аниқ режасини тузиб олдик. Мутахассис ва омилкор деҳқонларимиз хулосасидан келиб чиқиб, экиш мавсумига 300 та сеялка тайёрлаяпмиз. Учқўрғондаги таъмир-ишлаб чиқариш заводи шу кеча-кундузда ана шундай сеялкаларни пешма-деш тайёрламоқда. 50 га яқин тайёрини яқинда назоратдан ўтказдик. Заводда қўшимча яна 2 та цехни ҳам шу ишга йўналтирдик.

Плёнка ҳам ўзимизда ҳал этиляпти. Зарур бўлган 1100 тонна плёнкани вилоятдаги «Группа Дизайн» қўшма корхонаси тайёрлаш мажбуриятини олди, иш бошланди.

Қўшнилар тажрибаси билан вилоятдаги пахта етиштирувчи барча туман ва хўжаликлар раҳбарлари танишиб бўлдилар, десам муболаға эмас. Ҳамма гап келгуси йилда бу усул афзаллигини Наманган мисолида ҳам исботлашда қолди. Ишончим комилки, пахтакорларимиз бу ниятни амалда оқлайдилар.

***

Мутахассислар аниқ рақамларга қараб хулоса чиқаришга ўрганганлар. Шу маънода янгиликнинг кенг қанот қоқаётганлигини ифодаловчи баъзи рақамларни тилга олмоқчимиз. Чигитни плёнка остига экиш илк бор бултур «Намуна» жамоа хўжалигининг Сиёсатхон Абдуллаева бошлиқ бригадаси даласида синаб кўрилганди. Ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этди. 1996 йилда эса 10 минг гектар ерда янги усул жорий этилди. Уруғ аниқ жойга ташланганлиги туфайли яганага ҳожат бўлмади. Культивация миқдори камайди. Минерал ўғитлар самарадорлиги 30-40 фоиз кўтарилди, сув сарфи ҳам озайди. Ҳосилдорлик асосий жойларда 45-60 центнерни ташкил этди.

Келгуси йилда республикамиз бўйича 280 минг гектар майдонда чигит янги усулда экилиши мўлжалланмоқда. Албатта, бу муҳим қадам. Айни пайтда ушбу янгиликни жорий этиш эскича «рапортбозлик» йўлида бўлмаса тўғри бўларди. Энг муҳими — плёнка остига чигит экишни амалга оширувчилар ўз ишларига комил ишонч билан киришмоқлари керак. Иккиланиш, зўрма-зўраки ёндашиш ҳеч кимга наф келтирмайди.

Гап шундаки, айрим жойларда ҳали бу тажриба ҳақида баъзи мутахассислар тўла тасаввурга ҳам эга эмас. «Эҳ-ҳе, шунча майдонга пленкани қаердан топамиз», дегувчилар ҳам йўқ эмас. Деҳқон оғирини енгил қилиш, унинг косасини оқартириш вазифаси туман ва хўжаликлар раҳбарлари зиммасидадир. Эрта ва сифатли ҳосил етиштиришнинг андижонча усулини жорий этиш иқтисодий ислоҳотларимиз учун тақдируломон аҳамиятга эгадир.

Алишер ИБОДИНОВ,
Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Республикамиз ҳукумати томонидан банк тизимини ривожлантириш ҳақида бир қанча қарорлар қабул қилинди. Банкларда эса ўз навбатида ушбу қарорларни рўёбга чиқариш юзасидан муҳим ишлар қилинаётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси саноат-қурилиш банки қошидаги амалиёт бошқармаси жамоаси ҳам миллий пулимиз — сўмнинг қадрини ошириш борасида ижобий натижаларга эришмоқда.

Бугунги кунга келиб, пойтахтимиздаги 500 га яқин йирик корхона, ташкилот ва муассасалар ушбу банк мижозидир.

Айниқса, амалиёт бошқармаси раҳбари Насриддин Бўронов бошчилигидаги жамоадан ва банк назоратчилари Елена Хохлова, Хамиса Знаковская ҳамда хазинабон Эльвира Шарафутдинова хизматидан мижозлар мамнун бўлмоқдалар.

Суратда: банк қошидаги амалиёт бошқармасининг ҳисобчиси, ўз ишининг устаси Юлдуз Собирова мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

А. ДАМИНОВ олган сурат.

90 ФОИЗИ ЮҚОРИ НАВЛАРГА

Иқтисодиётимиз янада юксалаётган 1996 хўжалик йилида ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятимизда пахта йиғим-теримига ҳар қачонгидан кўра пухта ҳозирлик кўрилди. Ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликда ҳар гектар майдондан 37,2 центнердан пахта йиғиштирилиб, жамиятимиз аъзолари йиллик режани шараф билан уддаладилар. Етиштирилган пахта ҳосилининг 90 фоизини юқори навларга сотишга эришилди. Шундан 415 тоннаси уруғликка сотилди.

Йиғим-терим даврида ҳар бир килограмм пахта учун 2 сўмдан ҳақ тўланганлиги шундай долзарб меҳнат мавсумида ютуқларимиз гарови бўлди.

Илғор теримчилардан М. Камолова, Т. Ҳабибуллаева, Ў. Умарова, Ҳ. Муродалиева, Р. Маъруп-ова, Ҳ. Жапароваларнинг бугунгача терган пахтаси 4,5 — 5 тоннадан ортиб кетди.

Ғалла мустақиллигини таъминлашга қўшган ҳиссамиз ҳам чакки эмас. Ғаллакорларимизнинг 380 гектар майдондаги экинлардан 2066 тонна дон етиштириб, ҳосилдорликни 55 центнерга етказдилар. Боғбону соҳибкорларимиз ҳам эл дастурхонига 357 тонна мева, 400 тонна узум етиштириб зиммаларидаги режаларини ортиғи билан бажардилар.

Саидусмон ТОШБОЕВ,
Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси.

САЛМОҚЛИ УЛУШ

Шўрчи туманидаги Тошмат Бердиев номли жамоа хўжалиги аъзолари 3 минг тонна пахта топшириб, йиллик маррани эгалладилар. Ҳосилдорлик 38 центнерга етди. Бу муваффақиятга Абдураҳмон Ёрматов, Мингали Мейлиев, Худойберди Ортиқов бошлиқ бригадалар пахтакорлари салмоқли улуш қўшдилар.

Жамоа аъзолари сўнгги мисқол ҳосилни ҳам йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш иштиёқида меҳнат қилишяпти.

Абдуҳамид САИДОВ.



АҚШДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

«Бор-йўғи беш йил ичида эришилган ҳайратомуз ютуқларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз» деди Оқ уйнинг нуфузли вакили.

Марказий Осиё минтақасидаги ёш мустақил давлатларда, жумладан Ўзбекистонда кечаётган янгиланиш жараёнлари дунё афкор оммасининг диққат марказида турибди. Жонс Хопкинс номидаги Халқаро тадқиқотлар олий мактаби қошида Ўрта Осиё институтининг очилиши ушбу фикрнинг яна бир далили бўлди.

ЮСИА агентлиги берган хабарга кўра, институтнинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган Оқ уйнинг юқори мартабали вакили Ж. Коллинз улкан табиий бойликларга эга бўлган Марказий Осиё давлатлари «Мустақилликка эришган пайтда Совет Иттифоқининг энг ночор ва ниҳоятда кам тараққий этган республикалари» бўлганлигини айтди.

Марказий Осиё жумҳуриятлари мустабид салтанатнинг чекка ўлкалари сифатида «Ташқи алоқалардан бутқул узилган эди». Ҳукмрон мафкура ибн Синодек, Улуғбекдек буюк зотларни дунёга келтирган қудратли халқ авлодларини 70 йил мобайнида ўз анъаналаридан айириб ташлашга урринди. «Эслаш жоизки, — деб алоҳида таъкидлади нотиқ, — истиқлолга эришилган кезларда кўпчилик Ўрта Осиё давлатларининг мустақил яшаб кетишига шубҳа билан қараган эди. Бундай кишилар Ўрта Осиёда миллий анъана сақланмаган ва минтақада миллий-озодлик ҳаракати шаклланмаган деган даъволар билан чиқдилар. Бироқ биз бор-йўғи беш йил ичида эришилган ҳайратомуз ютуқларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз».

Ёш мустақил давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб кетиш жараёни муайян муаммоларни бартараф этишни тақозо қилаётгани табиий ҳол. Шундай бир вазиятда Марказий Осиё жумҳуриятлари раҳбарлари ниҳоятда катта масъулият билан мўътадил сиёсат юргизаётгани диққатга сазовордир. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон сингари қўшни давлатлар ички, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилгани ҳолда дунёдаги энг нуфузли давлатлар билан тенгматенг манфаатлар асосида ҳамкорликни йўлга қўйишга интилмоқда. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг АҚШ Президенти Б. Клинтон билан учрашуви шу маънода тарихий воқеага айланди.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик жамиятнинг мустаҳкам пойдеворини қураётган давлат сифатида халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлмоқда. Хусусан, ОБСЕнинг Тошкентда халқаро анжуман ўтказгани, жумҳуриятимиз пойтахтида бу нуфузли ташкилотнинг ваколатхонаси очилгани республикада олиб борилаётган сиёсатнинг амалий кўриниши сифатида тан олинмоқда.

Янги ташкил топган илмий марказ Марказий Осиё жумҳуриятларига дахлдор сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва ҳоказо йўналишдаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган режаларни амалга оширишга киришди. Чунончи, институт раҳбари жаноб Старр «Форин афферс» журналида эълон қилган мақоласини тўлиғича Ўзбекистонга бағишлади ва Марказий Осиё минтақасининг дунё ҳамжамияти миқёсидаги ўрни ва аҳамиятини юқори баҳолади.

Х. НАБИ шарҳи.

5 ноябрь куни бўлиб ўтган сайловда Билл Клинтон иккинчи муддатга АҚШ Президенти этиб сайланди

СУРАТДА: тантана пайти.

Рейтер олган сурат.

Имеем честь поздравить всех женщин — предпринимателей членов Ассоциации деловых женщин Узбекистана «ТАДБИРКОР АЁЛ» с наступающим юбилеем 5-ти летия, а также желаем им успехов в ходе работы очередной Национальной Конференции Женщин—Предпринимателей Узбекистана.

DM FIRMA DEMIR

ҚОТИЛНИ «ТОПГАН» КЎЗМУНЧОҚ

Жиноят жазосиз қолмайди

Вагон — цистерналарни бўғлаб ювиш корхонасига келган ювувчи ишчилар унинг ичига тушган заҳоти дарров қайтиб чиқишди. 120 тонна сиғимлик улкан темир идиш тубида аллақандай шубҳали нарса тиқилган қоп ётарди. Зудлик билан воқеа жойига етиб келган милиция ходимлари қопни ташқарига чиқариб очишди. Ҳамманинг кўз ўнгида даҳшатли манзара намоён бўлди. Қопга аёл кишининг яланғоч мурдаси яширилган, лекин жасаднинг боши йўқ эди!..

Бу сирли қотилликни очиш Фарғона вилоят транспорт прокуратураси прокурори ўринбосари Б. Мадумаров ва бошқа тажрибали тезкор ходимлар зиммасига юкланилди. Цистерна қўшни Тожикистон Республикасидан юборилган. Бироқ Олтиариққа келгунча ўнлаб бекатларда тўхтаган. Демак, аёлнинг жасадини шу бекатларнинг исталганида цистернага ташлаб қўйиш мумкин эди. Юқорида айтилганидек, аёлнинг кийимлари йўқ. Танасида ҳам унча яққол билинадиган белги кўринмади. Фақат чап қўлида озгина эски қўйган жой ўрни кўриниб турар эди. Эксперт-лар бу аёл маҳаллий миллатга мансублигини айтишди. Бироқ на афти ангори маълум, на бошқа бирор белгиси бўлмаган жасаднинг кимлигини, қаерда, қачон, нима мақсадда ўлдирилганлигини қандай аниқлаш мумкин? Изқуварлар эътиборини аёлнинг бармоғига илашиб қолган шарқона кўзмунчоқ тортди. Ипга тизилган бу кўзмунчоқ, афтидан, аёл кўйлагининг кўкрак ёқасига қадалган бўлиб, қотил из қолдирмаслик учун шоша-пиша мурда кўйлагини ечиб олаётганда кўзмунчоқ ипи аёлнинг қўл бармоқларига илашиб қолган.

Тезкор гуруҳ аъзолари олдида шу, ягона ашё бор эди, холос. Бироқ, айни шу кўзмунчоқ жиноятни очишга ёрдам берди. Тезкор гуруҳ аъзолари худди шундай кўзмунчоқлар фақат Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида тайёрланишини аниқладилар. Фарғона ва Марғилон бозорларидаги кўзмунчоқ сотиш билан шуғулланадиган боққоллар бундай кўзмунчоқларни Ленинободнинг қайси жойидаги усталар ясашини ҳам айтиб берган. Бу жой эса айнан цистерна тўхтаган бекатлардан бири эди. Зудлик билан Тожикистон ҳуқуқ тартибот ходимларига мурожаат қилишди. Икки қўшни давлат қидирув органлари ҳамкорликда олиб борган суриштирув жараёнида кўзмунчоқ эгаси аниқланди. Марҳума Ленинобод вилояти, Ғафуров шаҳрида яшовчи, 1947 йилда туғилган Каромат Эргашева бўлиб чиқди. Тезкор усулда ўтказилган суриштирув қидирувлар натижасида қотил ҳам қўлга олинди. У К. Эргашеванинг қариндоши Маҳмуд С. экан. Узаро жанжал оқибатида ваҳшийлашган Маҳмуд қариндошини ўлдириб, бошини танасидан жудо қилган. Инсоний туйғулардан маҳрум бу жаллод аёлнинг бошини болта билан майдалаб, қийма-қийма қилган ва шудгорга сочиб юборган. Бошсиз танани эса қопга жойлаб темир йўл бекатида турган, нефтдан бўшаган улкан цистерналардан бири ичига ташлаб юборган. «Ишни жуда пухта қилдим» деб ўйлаган жиноятчи доғда қолди. Фарғона транспорт прокуратураси, милиция ходимларининг тожикистонлик ҳамкасблари билан қолган саъй-ҳаракатлари натижасида бу мудҳиш жиноят атиги 12 кун ичида фош этилди. Жиноятчи тергов жараёнида ўз айбига тўла иқрор бўлди. Унинг жиноий ишини кўриб чиқиш Тожикистон Республикаси адлия идоралари эътиборига ҳавола қилинди. Ҳа, жиноятчи ҳеч қачон жазодан қочиб қутилмайди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ИСМИМНИ ҲАМ, ҚАЕРДАНЛИГИМНИ ҲАМ СЎРАМАНГ...»

Ўша куни пешин намоздан сўнг ҳордиқ чиқариб ўтиргандим. Қўлимда тасбеҳ, юртимга тинчлик ва равнақ, халқимга имон ва эътиқод, фарзандларимга инсоф сўрардим Яратгандан. Бир нотаниш йигит йўқлаб келганини айтишди. Кирсин дедим. Кўп ўтмай остонада ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган йигит одоб билан салом бериб турарди. Алик олиб, кўрпачага таклиф қилдим. Фотиҳа ўқилиб, одатдагидек ҳол-аҳвол сўралгач, унга тикилиб қарадим. Атрофдагиларни, мачитга келадиган шу тенги йигитларни бир-бир кўз олдимдан ўтказдим. Ҳақ рост, бу йигитни илгари ҳеч қачон кўрган эмасман.

Ўртага тушган хижолатпазликни қувиш учун ўзим биринчи бўлиб оғиз очдим.

— Бу дейман, йигит, айбга буюрмайдилар, сизни унча таний олмаяпман. Бир чеккаси кексалик...

Йигит дарров жавоб бера қолмади. Афтидан бу ерга келгунча нима важ юзасидан, қандай мақсади борлигини бир эмас, қайта-қайта кўнглидан ўтказган бўлса ҳам, айтмоққа иккилангандай туюлди менга. Бошида қалампир гулли дўппи, эгнида оқ кўйлак, енгларини шимариб олган, ёши 25 лар атрофида. Нимадандир андиша қилаяпти.

— Тақсир, улуғлар ҳузурида сўрамагунларича гапирманг, деганларини эшитганим бор эди, у мулойимлик билан сўз бошлади. — Яна, шу десангиз, гапимни қай тил, қай юз билан айтсам, деган хижолатдаман.

Унинг бармоқларига кўзим тушди, титраётганди. Чамаси ичидаги ҳаяжон пўртана бўлиб, юзага отилиб чиқишга интиларди.

— Билишимча, бўтам, сизни оғирроқ жумбоқ қийнаётган кўринади. Дилингизни ёринг, енгил тортасиз.

Сўнгги сўзларим далда бўлди шекилли:

— Ҳайрон бўлманг, тақсир, ким бўлди бу йигит деб. Сиз мен билан учрашмагансиз. Лекин мен сизни танийман, — деди у сўзларига алоҳида урғу бериб. — Илтимос, исмимни ҳам, қаерданлигимни ҳам сўрамасангиз...

Унинг юзига тикилдим, кўзини мендан олиб қочди, дастурхоннинг попугига тикилганча уни бармоқлари орасида айлантирар экан, ўй суриб қолди. Майли, хижолат бўлмасин, бир тўхтамга келиб, фикрини жамлаб олсин, деган ниятда гап қўшмадим. Йигит чуқур бир уф тортди, сўнг ийманибгина менга боқди.

— Биласизми, Ҳожи ота, айтмоқчи бўлган сўзларимни анчадан бери ўйлайман, аввалига журъат етишмади, бетим чидамади. Лекин оромимни йўқотдим. Юрсам ҳам, турсам ҳам кўнглимга келган муддао тинчлик бермасди, охири мана ҳузурингизда турибман. — У бўйнини эгиб яна хаёлга чўмди. — Бу бандаси хом сут эмган, деганлари рост гап экан, тақсир. Шайтон борлиги ҳам ҳақ экан. Хуллас, Ҳожи ота, мен сиздан узр сўрагани, гуноҳимни кечиришингизни илтижоси билан келганман.

Гапнинг бу зайлда кетиши мени ҳам ҳаяжонлантирди. Йигитга далда бериш маъносида:

— Яратган эгам кечирсин сизни, ўғлим, — дедим. — Тортинманг, юрагингизни бўшатаверинг, тавба қилмоқ — худога хуш ёқади, кишини поклайди.

Айтилган гаплар, бироз бўлсада, унга тиргак бўлди чамаси, сўзида давом этди:

— Ёшлик бебошлик бўларкан. Қозонга яқин юрсанг қароси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқади, деган гап бор эл орасида. Мен ана шундай бало юққанлардан бириман. Аввалги ишларимни, юриш-туришларимни эсласам, ҳаёт менга ҳаром бўлиб туюлаверади. Биласизми, Ҳожи ота, баъзан ўзимдан ўзим жирканиб кетаман.

Йигитнинг дарди оғир туюлди менга. Бирор нопок ишга қадам қўйганми деган хаёл лоп этиб миямга келди. Аслида пок этиб яратилган бандаси ўзи шундай бўлади, қилган хатолари унга тинчлик бермайди, куну тун, «Сен нега бундай қилдинг?», деб унинг ҳаловатини бузаверади, бузаверади. Хуллас, бундай кишилар дилини ёрмагунча, тавба қилмагунча кўнгли тинчимайди.

— Шундай қилиб десангиз, тақсир, улфатинг ола қарға бўлса, емишининг... деганларидек ўспиринлик давримда кўчага ўралашиб қолдим. Эртаю кеч тентираб юрардим. Унга -мунга кўз тушади, аларнинг барчасига пул керак. Гапнинг индаллосини айта қолай. — У менга тикилиб қолди. Шу ҳолатда бироз унсиз турди, сўнг кўзини олиб қочди, ерга тикилганча тураркан бирдан:

— Бундан беш йил бурун машинангизни олиб қочишганмиди? — деб сўради...

— Ҳа, шундай бўлганди, — иложи борича бамайлихотир оҳангда жавоб бердим.

— Билсангиз, ўғрилардан бири менман.!

Ё қудратингдан, бу не ҳол, ўнгимми ё тушимми?! Кутилмаганда эшитган бу сўзларга даб-дурустдан қандай муносабат билдиришни билолмай, довдираб қолдим, лекин ҳаяжонимни босиб, тезда ўзимни қўлга олдим. Ҳолатимни сездирмаслик, айни пайтда асосий муддаога ўтган йигитни гапдан чалғитмаслик ниятида унга тикилиб турган кўзларимни олиб қочдим. Сукут сақлаб ўтиравердим.

— Ҳа, тақсир, ҳайрон бўлманг, ўша муттаҳамлардан бири мана ҳузурингизда ўтирибди. — Эндиликда у анча дадил гапираётганди, чамаси уни қийнаётган энг оғир сўзни айтиб олиб, бироз бўлсада, енгилроқ сезаётганди ўзини. — Шу десангиз, ўша пайтда ҳатто хижолат ҳам бўлмаганмиз, машинани Қозоғистоннинг аллақайси жойига олиб бориб пул қилганмиз. Йиллар ўтди, ёшимга ёш қўшилди, уйландим, фарзанд кўрдим. Қайин отамиз шу қадар меҳрибон, шу қадар гамхўр, доно ва айни пайтда саховатли киши эдиларки, менинг музга айланиб қолган юрагимни эритиб, асли ҳолига келтира бошладилар. Уз ўғиллари каторига қўшиб, тижорат ишларига ўргатдилар. Одамлар каторига қўшилиб қолдим. Яхшилар орасида юрганим учун таниш-билишлар, қўни-қўшнилар менга ҳурмат ва илтифот кўрсата бошладилар. Турмушим изга тушиб кетди. Уйжой, еб-ичишда ўзгалардан кам ерим йўқ. Худога беадад шукр.

Йигит яна жим қолди. У энди енгил ва равон сўзларди, руҳияти ҳам ўзгача.

— Лекин билсангиз, тақсир, кейинги пайтларда еганим ичимга тушмаётганлигини сеза бошладим, тинчим бузилди. Тез-тез кўз олдимда сиз пайдо бўлаверасиз «Ҳа, бели оғримай топган пулни ҳазм қилиб кетаверасанми, ҳали бунинг жавоби бор-а», деяётгандай бўлаверасиз. Эгилган бошни қилич кесмайди дейдилар. Мана, ҳузурингиздаман. Яратган эгам дилингизга раҳм солсину мени авф этсангиз — ёлгиз муддаом, ниятим, умидим шу. Ҳисоблаб кўрдим, машинани пуллаганимизда ўша пайтда менинг ҳиссамга тушгани ҳозирги нарх-навога айлантирганда, таҳминан 30 минг сўм бўларкан. Орадан шунча йиллар ўтса ҳам ўша мен ҳазм қилолмай қийналаётган пулни олиб келдим. Илтижо қиламан, мана буни олингу, мени авф этинг, азоблардан, қийноқлардан халос қилинг, тақсирим. — У шундай деди-да, олдимга қоғозга ўроғлиқ бир даста пулларни қўйди. Ё қудратингдан ўргилай, яратган эгам, ўзи бу не муъжиза бўлди? Шунча яшаб, не-не воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлганман, аммо лекин бунақасига дуч келмагандим. Ҳаётимдаги энг катта мукофот эди бу. Йўқ, йўқ, тағин гап пулда деб ўйламанг, кўзимга пул кўринаётган йўқ эди шу тобда. Оллоҳнинг мўъжизасига лол қолиб, ҳайрон турардим. Ўрнимдан даст туриб, покланган, асл инсонийликка қайтган шу йигитни маҳкам қучгим, бағримга босгим келди. Жуда-жуда истадим шуни. Яратганга ҳамду санолар айтдим, бу олий мукофотига унинг.

Йигит кўзимга шу қадар ёқимли бўлиб туюлдики, асти қўяверасиз. Мана, оғир дарддан фориғ бўлган кишидай менга аввалгидан ҳам мулойимроқ боқиб турибди у. Дунё чароғонлашиб кетгандай эди менга. Шу десангиз ўзимни осмоннинг еттинчи қаватида деб ҳис этардим.

— Баракалло, бўтам, баракалла! — дастлабки айтган гапларим шу бўлди. Сўнг ўйланиб қолдим, тағин мана шу олдимга у қўйган пул учун айтган бўлиб чиқмай бу сўзларни. Қандай қилсамки, унинг шу фикрга келгани, журъат этиб ҳузуримда ҳозир бўлгани ҳар қандай пул, ҳар қанча бойликдан беқиёс устун эканлигини, афзаллигини сезсин, ўзига ярашиқ мукофотини олсин.

— Баракалло, ўғлим, минг раҳмат сизга шундай тўхтамга келганингиз учун. Мени бағоят ҳурсанд этдингиз, сийловингиз чексиз бўлди.

Сўзлар эканман, унга тикилиб турардим, гапларим қандай таъсир этаётганлигини кузатардим, руҳиятидаги ўзгаришларни илғаб олмоқ иштиёқида эдим. Афтидан бундай жавобни кутмагандек туюлди, ҳайрат тўла кўзлари ила тикиларди менга.

— Тақсир, авф этинг мендек бир осий бандани, рози бўлинг, токи кўнглим таскин топсин ниҳоят, — у ёлвориш оҳангида сўзларди.

— Ўғлим, кўнглингизда шу асл мўмин-мусулмон кишига хос ният туғилган куниёқ сиз гуноҳдин фориғ бўлгансиз. Келиб, кўнгилни ёриб, покланишингиз нур устига аъло нур бўлди. Энди гап бундай, бўтам, ўша машина йўқолганини мен юрагимга яқин олган эмасман, тўғрисини айтсам, сизларни қарғаган ҳам эмасман, ҳа, энди пешонада шу бор экан-да, деб қўяқолганмиз. Худодан сўраганимиз шу бўлганки, бу каби қалтис ишларга қўл урганларга ўзинг инсоф бергин, бизга эса саломатликни ато эт, шундай бўлса йўқотган буюмнинг ўрни тўлиб кетиши ҳеч гап эмас, дилда ўйлаганларимиз, тилда сўраганларимиз шу бўлган. Буни қаранг, ўғлим астойдил қилган илтижоларимиз ижобат бўлиб, икки йил ўтмай фарзандларимиз янги машина олиб беришди. Ҳеч нарса бўлмагандек ўтиб кетди. Энди сизга келсак, мен қарғаган эмасман, бундан хотиржам бўлинг, фақат инсофингизни сўраган эдим. Оллоҳга шукр, бу сўровимни ижобат айлабди. Энди мана бу пул масаласи хусусида, бўтам, менда шундай мулоҳаза бор. Боя сизга айтдим, кемтик жойнинг ўрни тўлиб кетди деб. Худо ўзи етказди. Ҳаётимдан мамнунман, иншооллоҳ. Шундай бўлгач, бу пулларни мен ололмайман, зеро, унга муҳтожлик еримиз йўқ. Уларни қайтариб олинг, ҳа, ҳа, қайтариб олинг, ўғлим.

Мен атайин охирги сўзларимга урғу бериб чўзиброқ айтдим. О... унинг ҳайрат тўла кўзларини, юз ифодаларини кўрсангиз эди. Қулоғи билан эшитарди-ю аммо дили ҳали ишониб улгурмаганди бу сўзларга.

— Тақсир, тақсир, мен бундай қилолмайман, яна бўйнимда илиғлик қолади ўша, яна нотинчлик, яна безовталик. Йўқ, йўқ, илоё имон бой бўлинг, бола-чақаларингизнинг узоқ йиллар роҳатини кўринг, олинг шуни, андак бўлса ҳам мен тинчий, яна қайта азоб бўҳронига отманг мени.

У чин дилдан сўзлаётганлигига заррача бўлса ҳам шубҳа йўқ эди менда. Кўзлари ёшланган, юзлари бўртиб кетган, қўллари қалтирарди. Чамаси нимадандир хавотирда эди.

— Хотиржам бўлинг, бўтам. Гуноҳни ювиб, савобга эришмоқлик йўллари кўп. Виждонингизга қулоқ солинг, худо кўрсатган йўлдан, пайғамбаримиз Муҳаммад саллалоҳу алайҳи васаллам кўрсатган йўллардан юрсак, муддаога етурмиз албат. У зоти шариф барчамизни имонли ва покдомон бўлишга, эзгулик ва олижанобликка чорлаганлар. Билингки, тавба инсон кўнглини, дилини поклайди. Ҳа, худди шундай. Сиз эса тавба-тазарру қилмоқдасиз.

Мен сўзларканман, ҳузуримдаги йигит руҳи-атвори ўзгариб бораётганлигини шундайгина сезиб турардим. У яна ўйланиб қолди. Халқит бермаслик ниятида сукут сақладим. Бир пайт бошини кўтариб, аввал савол назари билан қаради, сўнг дилидагини айтди:

— Пулларни сиз олмасангиз, унда мен не қилай уларни? Улар менинг қўлларимнигина эмас, балки дилимни ҳам куйдиряпти.

— Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, маҳалла-кўй орасидаги етим, бева, умуман муҳтож кишиларга тақсимлаб берсангиз, назаримда, тўғри иш қилган бўласиз. Зеро, Оллоҳ ночор, қийналган одамларга яхшилик қилганни яхши кўради. Яратган эгамнинг ўзи олийҳимматли, у олийҳимматлиларни ярлақайди.

Йигитнинг кўзлари чарақлаб кетди, юзлари тағин ҳам ёришди.

— Албатта, шундай қилгумдир. Раҳмат, тақсир, кўнглим юмшагандай бўляпти, руҳим енгиллашяпти. — У бироз ниманидир мушоҳада қилди-да, сўнг яна менга юзланиб сўзида давом этди, — Айтингчи, тақсир, сиз мени авф этдингизми, гуноҳимдан кечдингизми, кейинчалик даъвогар бўлмайсизми?

Ўзбек феъли

Билдимки, ҳали ҳам, андак бўлса-да, ҳадиги бор унинг.

— Боя айтдим-ку, ўғлим, худонинг ўзи кечирсин, деб. Алломаларимиздан бизга шундай сўзлар мерос бўлиб қолган: агар бир киши гуноҳ қилиб узр сўраса, унинг узрини қабул қилинглар. Бир гуноҳ учун сендан авф тиласалар кечиришни ўзингга лозим деб билгин. Укдингизми?

Йигит бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Биз ҳаммамиз мана шундай улуғ зотларнинг авлодларидамиз. Кўнглингиз энди хотиржам бўлдими? Қани, қўлингизни очинг, омин, дилингизда инсоф уруғи-униб чиққани рост бўлсин, умрингиз охиригача унинг ниҳоллари сўлмай гуркираб кўкараверсин, оллоҳу акбар.

Йигит худога ҳамду санолар айтиб, мен билан хайрлашди. Эшикни очар экан, ўгирилиб юзланди-да ажиб бир ҳаяжон ила, бугун мен онадан қайта туғилдим, деди...

Бу воқеага ҳам анча бўлиб қолди. Лекин ҳамон ҳаяжоним тингани йўқ. Кишиларимизни инсоф йўлига, диёнат манзили сари кетаётганликлари миллатнинг ўзлигини англаш, ўзининг асл илдизларига туташаётганлиги далолатидир. Бу мустақилликка эришганимиздан сўнгги даврда юз бераётган яхшиликларнинг энг муҳим аломатидир. Келинглар, биродарлар, миллатимиз, ҳамюртларимиз орасида ҳозирча тўғри йўлдан адашганларга инсоф тилайлик. Ишончим комилки, Яратганнинг ўзи алар кўнглига диёнат уруғини сепса, яхши амаллари албатта юз кўрсатажак.

* * *

Яқинда биродарларимиздан бирининг хонадонида бўлиб ўтган амри маъриф йиғинида Зокирхон ҳожидан ушбу ҳикояни мириқиб тингладик. Уни қандай эшитган бўлсак, шундайлигича сизларга сўзлаб бердик.

Қудратилла ИНОҒОМОВ,
Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

Давр муҳри

ТАРИХ ҲУЖЖАТЛАРДА ЯШАЙДИ



Архив мутахассислари орасида: «Тарихсиз ҳужжат, ҳужжатсиз давлат бўлмайди», — деган гап бор. Дарҳақиқат, ҳар бир тарихий ҳужжат давлат мулки, халқнинг бойлиги ҳисобланади. Чунки уларда мамлакат ва халқнинг ўтмиши акс этади. Улуғ ёзувчи Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, «ўтмишга қайтиб хайрли ишларни кўришда» ҳужжатлар жудаям асқотади.

Республикамиз мустақил бўлгач, архив ишларининг аҳамияти янада ошди. Уларнинг узоқ муддат сақланишини таъминлаш учун зарур техник ва технологик ишлар амалга оширилди.

Маълумки, Қашқадарё қадимий, кўҳна ва ҳамиша навқирон ўлка. Юртимиз тарихий ёдгорликларга жуда бой. Халқимиз, вилоят раҳбарияти тарих ва архивнинг аҳамиятини тушунади ва қадрига етади. Вилоят ҳокимлигининг ҳомийлигида архив учун махсус мослаштирилган беш қаватли бино қуриб битказилди ва ишга туширилди. У беш юз минг сақлов бирлигига мўлжалланган.

Вилоят архивининг Қарши, Шаҳрисабз, Муборак, Ғузор туманларида филиаллари, бундан ташқари 11 туманда хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳужжатлари мавжуд бўлиб, уларда қисман қадимги даврга оид, асосан эса вилоят ташкил топган 1924 йилдан буёнги ижтимоий ҳаётга оид ҳужжатлар сақланади. Вилоятимиз архивчиларининг асосий мақсади — юртимиз ва элимиз тарихига оид ҳужжатларни жамлаш, йиғиш, уларни авлодларга бутун ҳолда етказиш учун муносиб сақлаш, ҳужжатлардан тўғри фойдаланишни ташкил этишдир. Вилоят телевидениеси ва маҳаллий матбуот билан ҳамкорликда ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида омма билан иш олиб боряпмиз. Ҳозирги кунда бизда мавжудларининг асосий қисми қоғозда бўлгани учун вақт ўтиши билан уларнинг матни ўчиши мумкин. Ҳужжатларни сақлаш борасида биз бир қанча ривожланган мамлакатларнинг иш тажрибасини ўргандик. Ниятимиз — бу борада ҳам жаҳон стандартларига эришиш. Бу йўлда биз қоғоздаги матнларни замонавий компьютерларга кўчиришни мўлжалламоқдамиз. Ана шунда ҳар бир ҳужжатнинг умри узаяди, улардан фойдаланиш осонлашади. Вилоят давлат архивида нафақат давлат ҳужжатлари, балки вилоятдан етишиб чиққан кўзга кўринган шахслар — меҳнат, уруш қаҳрамонлари, зиёлиларнинг шахсий ҳужжатлари ҳам сақланади.

Умуман олганда, ҳозирги кунда вилоят архиви ва унинг филиалларида 106 минг 34 та сақлов бирлиги сақланмоқда. Шу жумладан, 8 та шахсий келиб чиқиш шаклидаги 284 та сақлов бирлиги, 4425 суратли ҳужжатлар, 4995 та ўта муҳим ҳужжатлар сақланади. Ўн бир тумандаги шахсий таркиб архивида 1054 та жамғарма бўлиб, уларда 165 минг 409 та шахсий таркиб ҳужжатлари сақланмоқда. Бу катта бойлик эканини мутахассислар яхши билишади. Ўтган йили 6787 та фуқаролик сўровига жавоб берганмиз. Шулардан 5,5 мингга яқин сўровга ижобий жавоб берилган. Бундан ташқари, биз ҳар йили ташкилот ва муассасаларга уларнинг юбилейларига оид ҳужжатлардан нусхалар тақдим этамиз.

Ўтган йили вилоятимиз маркази — Қарши шаҳрида республика архивчиларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Бу тадбирнинг аҳамияти шунда бўлдики, у республика, вилоят, шаҳар ва туманлар тараққиётига катта ҳисса қўшган раҳбарлар, уруш қаҳрамонлари ва ҳарбийлар, жамият қурилишининг фаол қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, зиёлилар намояндаларининг шахсий таркиб ҳужжатларини ўз вақтида доимий давлат сақловига қабул қилишни янада яхшилаш ва шу масала билан боғлиқ «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини таъминлаш ишини янада фаоллаштирди.

Афсуски, архив ишининг бугунги кун талабига жавоб беришини таъминлашда бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Буларнинг энг асосийси, мутахассисларнинг етишмаслигидир. Бизда араб ва лотин алифбосидаги матнларни ўқий оладиган мутахассисларга эҳтиёж катта. Вилоят архиви директори Жамилахон Абдувоҳидованинг шахсий ташаббуси ва жонкуярлиги билан биз архивчиларимизга шу йўналишда қўшимча равишда маълумот бериш дастурини ишлаб чиқдик. Шу ўринда архивчи-мутахассисларнинг меҳнати кўпроқ эътиборга лойиқлигини ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Мустақиллик ўзбек архивчилигида янги даврни бошлаб берди. Узоқ ва яқин ўтмишимизга, элимизнинг озодлик учун кураш тарихига янгича қараш шаклланди. Шу пайтгача яшириб келинган айрим ҳужжатларни авлодларга етказиш, янги тафаккурни шакллантиришда архив ишининг жамият ҳаётидаги тутган ўрни беқиёс. Мустақилликнинг ҳар бир одимини, хусусан Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик юбилей тантаналарини акс эттириш, уни келажак авлодларга етказишни таъминлаш биз — архивчиларнинг олдида турган асосий вазифадир.

Абдурашид БЎТАЕВ,
Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архив бўлими мудири.

Хорижда

ЖАҲОН БИЗНЕСИ ТАРИХИДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН САВДО

• НЬЮ-ЙОРК. Буюк Британиянинг «Бритиш телекомьюникейшз» компанияси 21 миллиард долларга Американинг «Эм-Си-Ай» телефон компаниясини сотиб олди. Бирлашув натижасида «Консерт» номидаги компания вужудга келди. Мазкур компания раҳбарларининг журналистларга таъкидлашича, халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувнинг баҳоси арзонлашган. Айни пайтда, бу битим жаҳон бизнеси тарихида мисли кўрилмаган даражадаги савдодир.

ШАҲЗОДАНИНГ ТАШРИФИ

• КИЕВ. Буюк Британия шаҳзодаси Чарлз Уэлс Украинага ташриф буюрди. Шаҳзода ташриф давомида республика Президенти Леонид Кучма билан учрашди, Шаҳзода Чарлз Қрим урушида ҳалок бўлган Англия аскарларига ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросимида қатнашади.

ҲАМКОРЛИК БИТИМИНИ ИМЗОЛАШ УЧУН

• ТБИЛИСИ. Туркия олий таълим вазири Махмед Соғломий Грузияга келди. Маҳмед Соғломий тўрт кунлик ташриф давомида республика Президенти Эдуард Шеварднадзе, Грузия ташқи ишлар вазири Иракл Менагаришвили ҳамда олий таълим вазири Тамаз Квачантирадзе билан учрашади.

Меҳмон Грузиянинг бир қанча ўқув даргоҳларини ва Сулаймон Демирэл номидаги коллежни бориб кўрди. Ташрифдан мақсад икки мамлакат ўртасида олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳамкорлик битимини имзолашдир.

Пода қайтди.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

Аломат гаплар

ҚОЧОҚ БЕНГАЛ ҚОПЛОНЛАРИ

БЕЛЬГИЯ. 73 яшарлик Грета Дойч одатдагидек эрталаб машинасининг эшигини очгани ҳамон иккита қоплон унга ташланди. Уларнинг ваҳимали ўкиришидан кампир шўрликнинг қўрқувдан юраги ёрилаёзди. Ҳушидан кетди.

Льеж шаҳри ҳайвонот боғидан қочган бенгал қоплонлари қоқ ярим тунда Грета Дойчнинг чорбоғига кириб олганди. Атрофдаги нотаниш муҳитдан чўчиган «қочоқ»лар тўғри келган хонадонга ўзини урганди. Улар машинанинг очиқ эшигидан орқа ўриндиққа ўтиб, «ўтириб» олишди.

— Қоплонлар шаҳардаги шароит, шовқиндан қаттиқ қўрқиб кетиб пана излашган, — деб изоҳлайди воқеани ҳайвонлар бўйича эксперт Ганс Гребель. — Лекин улар безарар жониворлардир. Кампирдан «қўрқиб», қўрқоқ олдин мушт кўтарар қилишган...

Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким, ҳатто қария Грета ҳам зарар кўрмади. Бенгал «қочоқ»лари эса дарҳол ҳайвонот боғига қайтарилди.

ДАРД БОШҚА...

ПЕНСИЛЬВАНИЯ ШТАТИ. *Кэнонсбург шифохонасида узоқ муддат даволангач, Эдвард Юхневичга докторлар Шимолий Страбондаги мутахассисларга маслаҳатга жўнатишди.*

76 яшарлик қария дарддан мудом ҳориса-да, таслим бўлгиси келмасди. Умидли дунё, соғайиб кетишга ишонарди.

Халқда мақол бор. Дард бошқа, ажал бошқа. Ҳақиқатан ҳам қария хасталикдан эмас, балки қаттол ажал домига тушди.

Шифохона тиббий кузатувчиси Эдвард Юхневични ногиронлик аравачасида бир неча дақиқа хиёбонда ёлғиз қолдирди. Афсус йўлка нишаб бўлганидан аравача пастга ғизиллаб сирғаниб кетди...

Тиббий ҳамшира етиб келганда эса қария йўл четидаги кўтарма тўсиққа боши билан урилиб, қаттиқ жароҳатланган, беҳуш ётарди... Чол дарддан енгилмасада, фалокат қурбонига айланиб қолди.

УЛАРНИ ҚЎҒИРЧОҚ АСРАБ ҚОЛДИ

ПЕРУ. Лималик уч нафар қайиқчи денгиз сари йўл олганда ҳаво очиқ эди. Лекин денгизнинг ҳам ўз қонунияти бор. Кутилмаганда довул турди. Қайиқ мисли елбешикдек тебрана бошлади...

Денгизчилар саросимага тушиб қолишди. Шунда улар қайиқдаги резина қўғирчоқни сувга ташлашди.

— Нариги соҳилдаги собиқ бўйдоқ дўстимизникига кетаётувдик. Унга туғилган кунига совғага ҳазил тариқа шу қўғирчоқни олувдик, —дейди Рауль Санчес, — Совғамиз ҳаётимизни сақлаб қолди...

Учовлон резина қўғирчоққа қутқарувчи гуруҳ келгунча 26 соат «осилиб» туришди. Шу воқеадан сўнг денгизчилар «совға»ни эгасига топширишмади. У қайиқчиларнинг фахрий аъзоси бўп қолди.

ХАЛОСКОР ТЎТИҚУШ

ЮТА ШТАТИ *Кернзлик Берт лақабли тўтиқуш миллий инсонпарварлик жамиятининг «Жасорати учун» мукофоти билан тақдирланди. У ҳақиқатан ҳам довюрак. Жиноятчи билан яккама-якка олишди. Йўқ, у ўз жонини омон сақлаш учун олишмади. Ёш, гўзал бекаси Тонянинг ҳаётини сақлаб қолди.*

Тоня Сазерленд одатдагидек ишдан уйига қайтди. Квартирасига кирди-ю, ётоқхонада ғайри-оддий акиллаётган пудель зотли ити Баффининг овозини эшитиб, саросимага тушди. Ўша ёққа югурди. Хонага кириши билан нотаниш барзангидек йигит қизга ташланди. Қиз тушундики, уйига ўғри тушган. Жиноятчи уй эгасини гумдон қилиш ҳаракатига тушди. Тоня ўғрига қаршилик кўрсатишга ожизлик қилиб қолди. Ахир даванг-гирдек йигит кишининг кучи заифаникидан устунлиги табиийда. Қиз ҳолдан тойди. Шу пайт Берт ваҳимали қичқириб, ўғрига ташланди. Жиноятчининг юз-кўзига, елкасига аёвсиз чанг солди, чўқий бошлади. Жиноятчи жонини сақлаш учун кўчага отилди.

— Агар Берт бўлмаганда ёруғ дунёда насибам қирқилганди, — дейди Тоня тўтиқушини қўлидан қўймай. — У менинг ҳақиқий ҳалоскорим!

Полициячилар эса жиноятчини қўлга туширишда кўпам қийналишмади. Чунки жиноятчининг башарасида тўтиқушнинг қолдирган «изи» мана мен деб кўрсатиб турарди.

СОМАТОНЕВРОЛОГИЯ— ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ФАН

2-ТошМИ асаб касалликлари кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мақсуд Асадуллаев билан суҳбат

Саломатлик сандиғи



— Мақсуд Маҳмудович, инсон танасида учрайдиган касалликларнинг асосий қисми асаб билан боғлиқлиги медицинадан йироқ одамларга ҳам аён ҳақиқат. Газетхонларимизни неврология соҳасида яратилган янгиликлар қизиқтиради.

— Аввало бугунги кунда тиббиётда рўй бераётган янги бир йўналиш ҳақида гапириб берсам. Айтайлик, бемор шифо излаб дўхтир ҳузурига борди. Агар саломатлигидан шикоят қилган одам терапевтга борсаю, унинг касаллиги жарроҳга тегишли бўлса, «Сиз менинг касалим эмас экансиз» деб бошқа ҳамкасбига йўллайди. Аниқроғи, шу пайтгача шундай бўлиб келганди. Эндиликда соғлиқни сақлаш тизимида кадр тайёрлашнинг ҳозирги йўналиши *умумий амалиёт врачи* тайёрлашга қаратилмоқда. Барча турдаги касалликларни аниқлаш ва даволаш ягона мутахассиснинг шахсида мужассамланиши вазифа қилиб қўйиляпти. Бу масала юзасидан йиғилишлар ўтказилди, дастурлар ишлаб чиқилди. Айтайлик, ички касалликларни даволовчи врач касалликнинг келиб чиқиш сабабларини, у-бу аъзода қандай ўзгаришлар рўй беришини билиши керак. Шу касалликнинг асосий белгилари, диагностикаси ва даволаш усулларидан хабардор бўлмоғи лозим. Одатда беморда асаб касалликлари аломатлари сезилса, терапевт «Сиз невропатологга учранг» деган гапни айтади. Невропатолог ҳам унинг ички касаллигини яхши тушунмайди. Бемор эса икки шифокор ўртасида сарсон. Шунинг учун умумий амалиёт врачи даволашдан ташқари касаллик ташхисини қўйиши, касалликнинг келиб чиқиш асоратларини ҳам билиши лозим. Асосий касалликни даволаш бошқаю унинг асоратларини даволаш бошқа бўлиши мумкин. Масалан, юрак касалликлари ичида асосий асоратлар мия зарарланиши натижасида пайдо бўлувчи аломатлар билан хасталанса, юрак касаллиги қолиб кетиб мия хасталиги олдинга ўтиб кетади. Мутахассисларимиз асаб тизимига хос асоратларнинг 10-12 хилини топишди. Албатта, улар илгаридан маълум эди, лекин уни ўрганадиган махсус фан йўқ эди.

— Суҳбатимиз асосий мавзусига келдик: бизга соматоневрология фанининг яратилиши ҳақида гапириб берсангиз...

— Аввало сиз тилга олган фан нимани ўрганиши ҳақида. Соматоневрология ички касалликлар натижасида келиб чиқадиган асаб касалликлари асорати билан шуғулланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, Европа ва Осиё медицина фанлари академияси аъзоси, Ўзбекистон фан арбоби, профессор Наби Мажидов раҳбарлигидаги жуда катта мутахассислар гуруҳи узоқ йиллар мобайнида сабот билан ишлаганлигини таъкидлаш керак. Умуман Наби Мажидовнинг беш жилддан иборат «Профилактик неврология» китоблари нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида, балки жаҳон медицинасида мислсиз ҳодиса десак муболаға бўлмайди. Ана шу беш китобдан биттаси соматоневрологияга бағишланган. Булардан ташқари, Наби Мажидов бош бўлган муаллифлар гуруҳи соматоневрология курсини ўн тўртта рисолага жо этишди, улардан иккитаси яқинда босмадан чиқди. Домла билан бир сафда Гулнора Раҳимбоева, Озод Хўжаев, Саодат Аслонова сингари жуда кўплаб мутахассислар янги фаннинг тамал тошини қўйишда жонбозлик кўрсатдилар. Яқиндагина Г. Раҳимбоева Туркия ва Олмония мамлакатларига бориб, сурункали буйрак етишмовчилиги касаллигида асаб тизимидаги ўзгаришлар мавзусида бир туркум маърузалар ўқиди. Буйрак касаллигининг ўзи йигирмага яқин асорат қолдирадики, натижада асосий хасталик қолиб кетиб, касал асаб асоратларидан кўз юмиши мумкин. Масалан, аёллар ҳар хил даврда турли асаб касалликларини бошдан кечирадилар: қиз бола турмушга чиққунча, туғиш пайтида, туққандан кейин ва ҳоказолар. Баъзан тўлғоқ пайтида аёлларнинг нобуд бўлиш ҳоллари учрайди. Бунда бемор туғолмаганидан эмас, асаб тизимида пайдо бўладиган ўзгаришлардан азоб чекади. Шундай ҳолларда неврологиядан бехабар гинеколог билимсизликдан қийналиши мумкин. Сомотоневрология фанини эгаллаган шифокор ана шундай қалтис дамларда тўғри қарор қабул қила олади.

— Шу ўринда бир савол: агар умумий амалиёт врачи тайёрлаш мақбул экан, нега энди узоқ йиллар тиббиёт олий ўқув юртларида тор ихтисослик йўлидан келинди?

— Бизга бу бир томонлама йўлни собиқ иттифоқ тиқиштирган эди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими жаҳон андозаларидан ўзига маъқул йўлни танлади. Шу нуқтаи назардан олганда юртимизда хорижда эришилган ютуқларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Инсон танасининг ҳар қандай шикастланиши асаб тизимини четлаган ҳолда рўй бермайди. Оддий бир мисол: бирор жойингиз жароҳатланди, ярани дори-дармон суркаб битириш мумкиндир, лекин ички касалликлар шу билан тугамайди. Эндиликда турли хил ички касалликларда асаб тизимининг ўзгаришини, унда рўй бераётган ўзгаришлар даражасини ва уларни асосий касалликка боғлаган ҳолда ўша касалликни даволаш билан бирга асаб тизимига ҳам шифо ато этиш чораларини кўришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Масалан, ревмотолог ўз касалининг ҳолатини тадқиқ этишда неврологик жиҳатдан чуқур текширмаса, фақат ўз касаллигини даволаши мумкин, аммо касал тўла шифо топмайди. Шу маънода жамики ташхислар мужассам топиши ниҳоятда муҳимдир. Ана ўшанда даволаш сари йўл очилади. Ташхисни тўғри қўйиш шифокор фаолиятининг бош мезонидир.

Ўзбекистонда жуда кўп неврологлар устози Наби Мажидов соматоневрология фани лозимлигини биринчилар қатори кўрсатиб берган олимдир. Таъбир жоиз бўлса, бу йўналишнинг яратилиши домланинг 50 йиллик фаолияти маҳсулидир.

Суҳбатдош: Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Санъат

«БАҲОР» – БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

Кечаги баҳор эди. Апрелнинг ўртаси. Марғилондан қўнғироқ қилишиб, қутлуғ Наврўз байрамига чақиришди. Бормасак кўнгиллари оғрийдиган одамлар. Илтимосларим ғалати бўлди: «Имкони бўлса шу Хайрулла акани ҳам олиб келсангиз. Йигирма йиллик қадрдонимиз. Йўқ демас...» Ўйлаб қолдим. Нима дейман? Ҳофизга сим қоқдим. Байрам бўлса, минг битта баҳона айтмасайди, деб турибман. Аксинча, у киши суюниб кетдилар-да, «агар Шерали ака чорлаган бўлсалар бораман» дедилар. Эртаси йўлга чиқдик. Қамчиқ довони орқали кетамиз дейишди. Олис йўл. Суҳбат, аския, ҳазилҳузул бошланди. Ҳар гал жиддий қиёфада кўрган ҳофиз ҳаммамизни кулдириб кетди. Довонни қор босган экан. Амаллаб ўтдик. Сўнг...

Сўлим водийнинг хуш насимлари димоққа урилди. Ҳофиз хиргойи бошлайди: «Навбаҳор-и ҳуснда кўрсам юзин Наврўз эрур, Партав-и ҳуснинданинг кечамиз чун рўз эрур» — «Кимдан?» — сўрайман. Секингина «Ҳофиз Хоразмийдан» деб қўяди ва яна маҳзун ўйга толади. «Нима, йўл чарчатяптими?», «Йўқ, Марғилонга боряпмиз-а. Маъмуржон аканинг овози қулоғимдан кетмаяпти. Келаётиб ҳам ўйладим. Ҳаяжон босаяпти. Бу ёқдагилар жуда шинаванда халқ-да. Кўнгилларидан чиқармиканман?»

Байрам катта бўлди. Лоф эмасов, ярим Марғилон келди. Хайрулла Лутфуллаев салкам беш соат саҳнадан тушмади. Тошкентга кеч қайтдик. Яна сўрайман: «Толиқмадингизми ўзи?» У киши кулди-да «қайда, очилиб кетдим. Ўзим ҳам билмай қолдим, худо куч бердиёв. Бўлмаса сал тобим йўқ эди. Энди сезилмаяпти. Бугун катта имтиҳондан ўтдим...»

«Имтиҳондан ўтдим». Негадир шу икки калима сўз юрагимга ўрнашиб қолди. Нега шундай деди? Бунақа синовлардан қанчасини кўрган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган одам бир байрам концертидан сўнг «имтиҳондан ўтдим» деса. Энди билсам, эл-улуснинг назарига тушган ҳар бир санъаткор, каттами-кичикми, концерт ё тўй-томошадан кейин ўзини енгил ҳис қилишида бизлар ҳар доим ҳам англаб-англолмайдиган сир-синоатлар яширин экан.

Хайрулла аканинг ҳисоби бўйича ўттиз йилдан ошибди қўшиқ айтганига. У ўзига ниҳоятда талабчан ҳофиз. Айтган қўшиқларининг деярли ҳаммасига ўзи куй басталаган. Матнларни юксак дид билан танлайди.

«Ҳозир замон ўзгарди. Мухлисларнинг дидиям нозик, ҳаммани ҳам тинглайверишмайди. Беш юздан кўпроқ қўшиқларим бор деяпсиз. Шулар орасида эскирганлари ҳам борми?» дейман. У киши яна ўша вазминлик ва босиқлик билан жавоб қилади: «Билмадим, менимча, чин юракдан айтилган қўшиқ ҳеч замонда эскирмайди. Мана, ҳозир Комилжон ога ё Жўрахон Султонов ашулаларини эшитса юраги титраб кетадиган ёшлар йўқми? Бор, албатта. Бундан кейин ҳам бўлади. Халқимизнинг суюкли ҳофизи Муҳаммаджон Каримовнинг остонасида ҳар куни одам тўла. Ўзлари етмишдан ошдилар. Лекин овозлари юракларни зириллатади. Мумтоз ашулаларни мақомига етказиб куйлайди. Гоҳо гурунгларда бу ҳофизнинг қадри бунчалар баландлиги ҳақида сўз кетса, шундай изоҳ беришади: «Бировдан бир сўм таъна қилмаган-да. Шунинг учун ҳам ардоқлашади». Ана ҳурмат, эҳтиром. Бошқалар-чи, — дейсизми? Э...

Хайрулла ака истиҳолага боради. Барибир нима демоқчи эканлигини гап оҳангидан сезаман-да, қўзғайман: «Эртага ўзбек санъатининг нуфузи қандай бўлади?» «Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ, ука. Биз Европадан оҳанг изламайлик. Улар биздан изласин, ахир. Нега дейсизми? Бир мисол айтайин: Ажойиб мақомчи қизимиз Муножот Йўлчиева Францияга бориб, катта концертлар қўйиб келди. Улкан баҳо олди. Франглар ҳайрат ичра ўз мусиқа санъатлари тарихи Шарқда эканликларини тан олибди. Ана санъатимизнинг қадри!

Энди бошқа бир жиҳатниям айтмасам бўлмас. Ҳозир энг ёмони санъат енгил-елпи пул топиш манбаига айлангани. Авваллари тўйтомошаларда ҳофизлар бир-бирларига шунақа меҳрибон эдиларки, ризолик сўраб даврага киришарди. Шундай воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Устоз санъаткор Умаржон Отаев бир даврада менга «Хайрулла, кел сен «Бозиргоний»ни айтгин. Эшитгим келди» деди. Жуда таъсир қилди менга. Ўшанда шунақа берилиб айтдимки, энди эсласам титраб кетаман.

— Нега яхши қўшиқлар кам?

— Яхши қўшиқчилар ҳам, деяверинг қўрқмасдан. Энг ачинарлиси, ҳозир дуч келган одам шеър ёзиб қўшиқ қилиб ётибди. Классик ё замонавий деган нарса йўқ. Нотага тушса, қофияси сал келишса бўлди, қўшиқ тайёр! Ҳеч ким сўрамайди. Гоҳо ўйлаб қоламан-да, бизда нимага яхши шоирлар кўпу, яхши қўшиқлар кам, деб. Аввало икки тараф ўртасида кўприк йўқ. Қолаверса, «буюртма» билан қўшиқ ёзадиганлар кўпайиб кетди. Яна бир тарафи, ўзбек қўшиқчилиги чет эл мусиқалари билан боплаб «туйиняпти». Ана шундан қўрқиш керак. Аммо бир ҳақиқат кўнгилга таскин беради. Барибир яхши қўшиқ қолади, яшайверади. Яхши қўшиқчини ҳамма замондаям бетакрор иқтидори янгилайверади. Шу ўринда мен ўз тенгдошларим, юртимизнинг ардоқли ҳофизлари Ортиқ Отажонов, Нуриддин Ҳамроқулов, Камолиддин Раҳимов ва бошқаларнинг ўлмас ижодини қадрлайман. Энг қувончлиси, бизнинг ортиримиздан иқтидорли ёшлар келяпти. Уларга ишонса бўлади. Яқинда ёш қўшиқчи Дониёр Тошмуҳаммедов ижросида раҳматлик Маъмуржон Узоқов куйлаган «Жонон бўламан»ни эшитиб эриб кетдим...

Эшик оҳиста чертилди. Хайрулла ака «бу Талъатдан бошқа ҳеч киммас, бармоғидан сезаман унинг» деди бирдан.

Чиндан-да унинг эътирофи ҳақ эди. Эшик қоққан одам машҳур доирачи Талъат Сайфуддинов экан. Очиғи, билмаганлар уларни ё ака-ука, ё яқин қариндош деб ўйлашади. «Қандай топишгансизлар?» дейман иккисига қараб. Хайрулла ака сўз бошлайди:

— Аслида буни Қаҳрамон Дадаев топган. Олтмиш иккинчи йили «Баҳор» қадим Самарқандда гастролда юрганида бир бола ёнларига келиб «мен доира чаламан, эшитиб кўрмайсизми?» дебди. Қаҳрамон ака эътиборли, кенг феъл инсон эмасми, рози бўлибди. Кўрса, қўли келишади. Кейин Мукаррама опага кўрсатибди. Раҳматли опа суюниб, Талъатнинг отасига «Ўғлингиз мусиқа билим юртида ўқир экан. Яхши битирсин, албатта, «Баҳор»га оламиз» дебди. Ана энди ота- боланинг қувончини айтинг. Орадан икки йил ўтди. Талъат тўғри Тошкентга — «Баҳор»га келди. Шундан бери биргамиз. Нима дединг, шундайми?» — дея самимий сенсираб доирачига юзланади. У кишиям жилмайиб «Биламан, сен ёлғон гапирмайсан» деб қўяди.

Талъат ака табиатан ҳазилкаш одам. Айни пайтда камтарроқ. Мақтанишни хуш кўрмайди. Қўлига, бармоқларига ишора қилиб «шуларнинг тили бўлса айтсин» дейди. Бу таърифда бир дунё ҳикмат бор. Улар ўзбек миллий санъатининг энг ажиб, сеҳрли доирасида яширин. Гўё Талъат Сайфуддиновнинг бутун эътиқоди ана шу айлананинг ичида яшаётгандай...

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА: Яна «Баҳор»дан сўрайман. Уларнинг юз-кўзларида ҳайрат ва ҳаяжон порлайди. «Бизларнинг бахтимиз, севинчимиз, қайғумиз — «Баҳор». Усиз яшолмаймиз. Иккимиз ҳам шул муборак масканнинг фарзандларимиз. Бу даргоҳнинг бағри кенг. Фақат яхшилик, меҳр-мурувват яшайди»..

Норқобил ЖАЛИЛ.

Хорижда

XXI АСРДА ИНСОНИЯТНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА

• Инсониятни XXI асрда нималар кутаётгани барчага қизиқ бўлса керак. Америкалик башоратчиларнинг таъкидлашича, келгуси асрда, аввало, маънавият анча ривож топади. Ноанъанавий динларга қизиқиш кучаяди. Тиббиётда дори-дармонлар ўрнига шифобахш гиёҳлар қўллаш кенгаяди.

Башариятнинг теҳника соҳасидаги билими 2050 йилга келиб шу қадар ортар эканки, ҳозирги илм унинг 1 фоизини ташкил этар экан, холос.

ҲАТТО АҚШ ҲАМ ҚАРЗДОР ЭКАН

• Маълумки, АҚШ маъмурияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибни Бутрос Ғолий фаолиятини қониқарсиз дея баҳолаб, ушбу ташкилотда катта ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини талаб қилиб келаётган эди. Ҳатто, Бош котиби сайлашда Б. Ғолийнинг номзодини умуман қўллаб-қувватламаслик ҳақида баёнот ҳам эълон қилинганди.

АҚШнинг «Вашингтон пост» газетаси эса, БМТ фаолиятида юзага келаётган камчиликларга айнан АҚШ маъмурияти сабаб бўлаётганини таъкидлади. Маълум бўлишича, ушбу нуфузли ташкилот қўплаб давлатнинг аъзолик бадалини ўз вақтида тўламагани туфайли, мавжуд маблағнинг асосий қисмини нотинч минтақаларда тинчлик ўрнатиш ва уни муҳофаза этишга сарфлаб, бошқа зарур ишларга сармоя топа олмаётган экан. Аъзолик бадалини тўламаганлар рўйхатида Америка Қўшма Штатлари қайд этилган. Бу мамлакатнинг БМТдан қарзи 1,5 миллиард долларга етган.

«НОТЎҚИМАЧИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

баҳяланган, 911246 артикулли, эни 180+4 ҳажмдаги **НОТЎҚИМА МАТОНИ** векселга ёки пул ўтказиш йўли билан сотади.

Матонинг 1 п/м нархи — 39 сўм

Мурожаат учун манзил: Наманган шаҳри, Қ. Мамарасулов кўчаси, 10

«НОТЎҚИМАЧИ» ҳиссадорлик жамияти. Телефон: 6-32-63.

Диққат, обуна давом этмоқда! Азиз юртдошлар!

"ОБУНА-97"

ОСИЁ БОЗОРИ

Мустақил иқтисодий газетасига 1997 йил учун обуна бўлишни унутманг.

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс : 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

Спорт

БОШ ЖАМОА ШАЙЛАНМОҚДА

Осиё ўйинларида зафар қучиб, юртимиз довруғини оширган бош терма жамоамиз футболчилари масъулиятли мусобақага ҳозирлик кўришмоқда. Улар яна бир ойдан кейин Бирлашган Араб Амирликларида бошланадиган Осиё футбол кубоги баҳсларида иштирок этадилар. 11-марта ўтказиладиган бу мусобақада М. Қосимов. И. Шквирин, А. Абдураимов, О. Шацких каби таниқли футболчилар иштирок этадилар. Жамоамиз 6 декабрда Хитой, 9 декабрда Япония, 12 декабрда Сурия футболчилари билан майдонга тушадилар. Терма жамоамиз мураббийси Б. Иброҳимов 29 нафар футболчи орасидан асосий ўйинчиларни танлаб, бош жамоани таркиб топтиришни мўлжалламоқда. Шундан кейин 13-23 ноябрь кунлари футболчиларимиз хориж сафарига йўл оладилар. Футболчиларимиз сафарда иккита ўртоқлик учрашувини ўтказадилар.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Осиё мамлакатлари халқаро кубоги ўйинларини томоша қилиш учун Дубай шаҳрига таклиф этамиз. Сиз бу ўйинларда иштирок этаётган Ўзбекистон терма командасини қўллаб-қувватлаш билан бирга айни чоғда уч юлдузли меҳмонхонада дам олишингиз, денгиз сувида маза қилиб чўмилишингиз, Бирлашган Араб Амирликлари тарихий шаҳарлари билан танишишингиз мумкин.

Покистон, Германия, Англия, Голландия шаҳарларига ҳам саёҳат қилишга таклиф этамиз.

Мурожаат учун телефонлар: 33-45-68, 74-94-37.

ТАШКИЛОТ РУҲЛАНГАН ПЎЛАТЛИ

ПРОФНАСТИЛ

ТУНУКАСИНИ СОТАДИ
Қалинлиги - 0,7-0,8 мм,
гофр баландлиги- 35, 57, 75 мм,
узунлиги - буюртмачи хохишига кўра.

БАҲОСИ - БОЗОР НАРХЛАРИДАН АНЧАГИНА ПАСТ!

Тел: (8-3712) 41-82-37. Факс: (8-3712) 41-54-90.

Йўқлов

ДЕҲҚОНОБОДДАН БИР ШОИР ЎТДИ...

Улим ҳақ дейдилар. Лекин бешафқат муқаддарлик бу йил ўзбекни ўзининг энг забардаст шоир-адибларидан жудо қилди. Уйласак, юраклар титрайди. Зулфия, Кибриё Қаҳҳорова, Шавкат Раҳмон, Равшан Файз... Кеча эса...

Олис тоғлар бағри Деҳқонободдан ноҳуш хабар келди: суюкли шоир Ҳусан Эшмурод боқийликка рихлат қилибди. Дафъатан ишонгимиз келмади. Чунки бир ҳафта бурун у Соҳибқирон бобомизнинг муборак тўйлари арафасида таҳририятимизга келиб ҳаммамизни қутлаб кетган эди.

Ҳусан Эшмурод боладай мусаффо инсон эди. Тоғли элда кимки қўлига қалам ушлаган бўлса, унинг меҳр-мурувватидан бебаҳра қолмаган. Барчага бирдай, самимий муомала қиларди. Унинг йўли ҳам, дили ҳам, қўли ҳам Яхшилик эди. Ундан нима ёдгор қолди? «Қўнгиротнинг қушиғи», «Ҳижронли дамлар», «Олтин бешигим» дея аталган юрак парчаларикитоблари, кўзининг нури зурриёдлари қолди. Бу чархи дун кимга вафо қилибди. Деҳқонобод ўзбек халқининг энг суюмли бахшиси Қодир бахшисидан айрилганда шундай ларзага келган эди. Ҳусан Эшмуроднинг бевақт фироғи эса яна бир бор кутилмаган зарба бўлди.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси бадиий жамоалар тизимидаги хизмат кўрсатган «Хор» жамоасининг бадиий раҳбари Жўрабой Шукуровга онаси **Баси ая ҲОДИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА